

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

6 ЖИЛД, 1 СОН

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 6, НОМЕР 1

JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

VOLUME 6, ISSUE 1



ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES
№1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556-2023-1>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
Сеитов Азамат Пулатович
доктор социологических наук
(Doctor of sociology, DSc)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
Сабилова Умида Фархадовна
доктор социологических наук
(Doctor of sociology, DSc)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

22.00.01–Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари.
Теория, методология и история социологии. Методы социологических исследований.
Theory, methodology and history of sociology. Methods of sociological research.

Бекмурадов Мансур Бобомурадович
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)
Каланов Комил Куллахматович
кандидат социологических наук, профессор (Узбекистан)
Убайдуллаева Раиса Турсуновна
доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)
Негматова Шахзода Шухратовна
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)
Исмаилов Алишер Агзамович
доктор экономических наук, (Узбекистан)

Щепилова Галина Германовна
доктор философских наук, профессор (Россия)
Рожанский Михаил Яковлевич
кандидат философских наук (Россия)
Маматов Нормурат
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)
Камалова Хатира Сабыровна
кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)
Тагиева Гулсум Гафуровна
доктор философии по социологическим наукам (Узбекистан)

22.00.02–Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи
Социальные структуры, социальные институты и образ жизни
Social structures, social institutions and way of life

Умаров Абсалом Адилевич
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)
Холбеков Абдугани Жуманазарович
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)
Шайхисламов Рафаэль Бадретдинович
доктор социологических наук, профессор (Россия)
Акулич Мария Михайловна
доктор социологических наук, профессор (Россия)
Каримов Бобир Шаропович
доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)
Сабиров Алишер Сабирович
кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)

Антонио Алонсо Марсос
доктор политических наук, профессор (Испания)
Фадеева Любовь Александровна
доктор социологических наук, профессор (Россия)
Виктор Агаджаньян
доктор философии по социологическим наукам,
профессор (США)
Абдулазизов Абдулвохид Хабибуллович
кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)
Мирзахмедов Хуршид Абдирашидович
доктор философии по социологическим наукам,
и.о. доцент (Узбекистан)

22.00.03–Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси.
Социология социального сознания и социального процесса.
Sociology of social consciousness and social process

Аликариев Нуритдин Сапаркариевич
доктор экономических наук, профессор (Узбекистан)
Матибаев Тасполат Балтабаевич
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)
Николов Стефан
доктор философии по социологическим наукам, (Болгария)
Пармонов Фарход Ярашевич
доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)
Толипов Файзулла Саидович
кандидат исторических наук, доцент (Узбекистан)

Ли Ци
доктор исторических наук, профессор (Китай)
Сухомлинова Марина Валерьяновна
доктор социологических наук, профессор (Россия)
Бурнашев Рустам Ренатович
кандидат философских наук, профессор (Казахстан)
Мирзахмедов Абдирашид Мамасидикович
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)
Махкамов Қодиржон Одилжонович
доктор философии по социологическим наукам,
доцент (Узбекистан)

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Комил Каланов СИФАТЛИ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ИЖТИМОЙ КОНТРАСТНИНГ СОЦИОМАДАНИЙ КОНТУРИ.....	4
2. Аълохон Аликариева ТАЛАБАЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШ СИФАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ КВАЛИМЕТРИК ТАҲЛИЛИ.....	14
3. Моҳира Халикова ҲАЁТ ДАВОМИДА ТАЪЛИМ ПАРАДИГМАСИ АХБОРОТ ЖАМИЯТИНИНГ МУҲИМ ДЕТЕРМИНАНТИ СИФАТИДА.....	22
4. Раъно Исмайлова ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИККА УЧРАГАН ШАҲСЛАРНИ ИЖТИМОЙ – ПСИХОЛОГИК-ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШДА ҲИМОЯ ОРДЕРИНИНГ РОЛИ.....	30
5. Кахрамон Каюмов ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК ШАҲАРЛАР ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ БОШҚАРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	38
6. Бехзод Эрназаров МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИК МУАММОЛАРИДА ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИ ДИНАМИКАСИ.....	48
7. Хилола Хайдарова ШАҲАР ЭКОТИЗИМИДА БОШҚАРУВ ВА ИЖТИМОЙ ХОТИРА.....	54
8. Xasan Akramov SOG‘LOM TURMUSH TARZINING NAZARIY ASOSLARI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR.....	61
9. Хуршед Тошқулов СОЦИАЛ ДАВЛАТДА ИНСОННИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТ МАСАЛАЛАРИ.....	67
10. Mohinur Ahmedova GLOBALLASHUV DAVRIDA AXBOROT SIYOSATI VA UNING ASOSIY XUSUSIYATLARI.....	75
11. Сабохат Каланова ЗАМОНАВИЙ АВЛОД ВА СОЦИОМАДАНИЙ ИДЕНТИКЛИКНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ.....	84
12. Dilnoza Sultonova TALABALARDA IJTIMOY FAOLLIK KO‘NIKALARINI SHAKLLANTIRISHNING MUHIM OMILLARI.....	92

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Сабохат Каланова


Мирзо Улуғбек номидаги

Ўзбекистон Миллий университети

“Социология” кафедраси докторанти, PhD, доцент

e-mail: sabo_77@mail.ru

ЗАМОНАВИЙ АВЛОД ВА СОЦИОМАДАНИЙ ИДЕНТИКЛИКНИНГ ЎЗARO АЛОҚАДОРЛИГИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7796916>

АННОТАЦИЯ

Мақолада социология ва ижтимоий ҳаётда кенг қўланиладиган социомаданий идентификация масаласи авлодларга боғлаб таҳлил этилган. Замонавий жамиятда авлодлар алмашинуви мавзуси тадқиқ этилар экан, уни идентификация жараёнлари билан боғланиши муаммонинг социал характерини аниқлашга ёрдам беради. Жамиятда авлодлар алмашинуви – инсон ҳаётининг биологик суръатига асосланган универсал жараён саналади. Авлодлараро муносабатлар муаммосининг методологик ва назарий жиҳатлари кўриб чиқилган бўлиб, мазкур муаммонинг дастлабки методологик асоси сифатида авлодлар алмашинуви чегараси ҳар бир авлоднинг ўз вақт ўлчови ва тарихий-маданий макони асосида мавжуд бўлади. Муаммоларни ўрганиш чоғида мамлакатдаги тўрт авлод кечинмасидаги ворисийликка – уларнинг тарихий хотирасидаги узилиш, ўтмишнинг ғоявий-мафкуравий зиддиятларига бардош бериш ва уларнинг таъсирида шаклланган ижтимоий-сиёсий кўркув ҳолатлари таъсир қилганлигини социомаданий идентиклик ҳолатларини гувоҳи бўлиш мумкин.

Калит сўзлар: авлодий идентиклик, оила, этник идентиклик, этносоциология, генератив муносабат; интерсубъектив тажриба; авлодлараро муносабатлар; авлодлараро муносабатлар, социомаданий жараёнлар, иерархия.

Сабохат Каланова

PhD, доцент, докторант кафедраси “Социология”

Национального университета Узбекистана

e-mail: sabo_77@mail.ru

ВЗАИМОСВЯЗАННОСТЬ СОВРЕМЕННОГО ПОКОЛЕНИЯ И СОЦИАЛЬНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется проблема социокультурной идентичности, широко используемой в социологии и общественной жизни, связанной с поколениями. Поскольку тема смены поколений исследуется в современном обществе, ее связь с процессами идентификации помогает определить социальный характер проблемы. В обществе считается, что смена поколений – универсальный процесс, основанный на биологическом темпе жизни человека. Рассмотрены методологические и теоретические аспекты проблемы

межпоколенческих отношений, и в качестве исходной методологической основы данной проблемы предел смены поколений будет существовать на основе собственной временной шкалы и историко-культурного пространства каждого поколения. При изучении проблем можно засвидетельствовать случаи социокультурной идентичности, когда на преемственность переживаний четырех поколений в стране оказывали влияние – прерывание их исторической памяти, переживание идейно-идеологических противоречий прошлого и сложившиеся под их влиянием социально-политические страхи.

Ключевые слова: поколенческая идентичность, семья, этническая идентичность, этносоциология, генеративная установка, интерсубъективный опыт; межпоколенческие отношения; социокультурные процессы, иерархия.

Sabohat Kalanova

Associate Professor,
National University of the Republic of Uzbekistan
(PhD), Department of Sociology
e-mail: sabo_77@mail.ru

INTERCONNECTEDNESS OF THE MODERN GENERATION AND SOCIAL IDENTITY

ANNOTATION

The article analyzes the problem of socio-cultural identity, widely used in sociology and social life associated with generations. Since the topic of generational change is being studied in modern society, its connection with identification processes helps to determine the social nature of the problem. In society, it is believed that the change of generations is a universal process based on the biological pace of human life. Methodological and theoretical aspects of the problem of intergenerational relations are considered, and as the initial methodological basis of this problem, the limit of generational change will exist on the basis of its own timeline and the historical and cultural space of each generation. When studying the problems, it is possible to witness cases of socio-cultural identity, when the continuity of the experiences of four generations in the country was influenced by the interruption of their historical memory, the experience of ideological and ideological contradictions of the past and the socio-political fears that developed under their influence.

Keywords: generational identity, family, ethnic identity, ethnosociology, generative attitude, intersubjective experience; intergenerational relations; socio-cultural processes, hierarchy.

КИРИШ.

Илм-фан ривожининг бугунги босқичида кенгайиб бораётган фанлараро алоқалар жараёни муаммолар доирасининг ўзгаришига ва янги тадқиқот йўналишларининг шаклланишига олиб келмоқда. Авлод муаммосини ўрганиш ҳам кўп ҳолларда янги, фанлараро тадқиқотлар сатҳига чиқмоқда. Бунга мисол тариқасида бир вақтнинг ўзида чоп этилган “Оталар ва болалар: ҳозирги жамиятнинг авлодий таҳлили” [1] ва “Авлод XX асрнинг социомаданий контекстида” [2, - С.13] тўпламларини келтириш мумкин. Асарларда тўпланган авлодлар назариясини ўрганиш тажрибаси ҳам социологик, ҳам фалсафий ёндашув нуқтаи назаридан таҳлил этилган ҳамда “авлод” тушунчасини таснифлашнинг бир қатор янги вариантлари таклиф этилган, шунингдек, авлодлараро мулоқотнинг мумкин вариантлари кўрсатилган.

Замонавий шароитда социомаданий идентиклигини сақлаб қолиш муаммоси энг долзарб масалага айланмоқда, чунки ҳар қандай жамият аъзоларининг кимлиги улар мазмун-моҳиятини белгилаб беради. Бунда К.Мангейм авлодга мансублик белгиларининг йўқ бўлишининг мумкин сабабларини назарий жиҳатдан асослаб берган. Энтелехия (ички куч)ни авлоднинг ички бирлиги сифатида белгилаб [3, – С.33-34], у шундай дейди: “Ўз шахсий энтелехиясини ривожлантира олмаган авлодлар иложи борида бу йўналишда

муваффақиятлироқ бўлиши мумкин катта авлод билан ёки улардан кўра омадлироқ бўлиши мумкин бўлган ёш (кейинги) авлод билан бирлашишга ҳаракат қилади» [4, – С.92].

МЕТОДОЛОГИЯ.

Ҳозирги вақтда тарих фанининг ўз тарихига бағишланган тадқиқотларда авлод методи кенг қўлланилмоқда. Замонавий тадқиқотларнинг кўпчилиги мамлакат тарихшунослиги илмининг XX аср ўрталаридаги ривожини ўрганишга қаратилган. Авлодлараро муносабатлар муаммосининг методологик ва назарий жиҳатлари кўриб чиқилган бўлиб, мазкур муаммонинг дастлабки методологик асоси сифатида авлодлар алмашинуви чегараси ҳар бир авлоднинг ўз вақт ўлчови ва тарихий-маданий макони асосида мавжуд бўлади.

АСОСИЙ КИСМ.

Дастлабки «инсон ҳаёти – дунё муносабатлари» каби табиий муҳит эндиликда «одам - компьютер интерактивлиги» билан алмаштирилмоқда. Идентиклик, умуман яхлит олинганда конструкциядир. Шу боисдан ҳам аксарият инсонлар ўзи истагани ёки заруриятдан келиб чиқиб, ўз идентиклигини конструкциялайди. В.С.Малахов ёзишича: «Идентиклик - хусусият эмас, балки муносабатдир. У фақатгина ижтимоий муносабатлар асосида шаклланади, мустаҳкамланади (ёки, аксинча, қайтадан белгиланади) ўзгаради» [5, - С.78]. Дарҳақиқат, бу мураккаб муносабатлар доирасида шаклланган идентикликнинг баъзи шакллари ҳақиқатан ўзгаради, трансформацияга учрайди ҳатто йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкин. Идентиклик субъект, шахс, инсон «Мен»ининг чегара ва ҳадлари билан боғлиқ муаммо саналади. Идентиклик инсон моҳияти, унинг табиати ва эркинлиги, у учун имконсиз ва имкони бор нарсалар, борлигининг чегаралари, инсон мавжудлигини ташкил қилади. Идентиклик (лот. *identificare* – айнан ўхшатиш; *identicus* – айнан ўхшаш, бир хил) – айнан ўхшатиш, айнан ўхшаган, айнан ўхшашлик, аниқ ўхшаш, тўлиқ ўхшашлик. Идентиклик учун бир қанча объектлар ва муайян субъект бўлиши ҳамда улар ўртасидаги айнан ўхшашлик тасдиқланиши ёки инкор этилиши лозим. Айни пайтда объектнинг ўз ибтидосига ўхшашлиги реал объектнинг идеалдаги объект билан ўхшашлиги мумкин, бунда субъектнинг роли идентификация жараёнида янада ортади. Бу соҳада мураккаб масалалардан бири субъект идентиклиги, ўз ўзини идентификация қилиши ҳисобланади. Яъни, субъект идентикликка эга бўлиши мумкин, баъзан эса уни фақат тафаккур қилиши, тасаввур ва хаёл қилиши мумкин. Бироқ ўз ўзини идентификациялаш мукамал бўлиши учун субъект идентикликка эга бўлиши, шунингдек, идентикликни тўғри англаши лозим бўлади. Шу нуқтаи назардан, субъект томонидан ўз идентиклигини англаши ва уни рўёбга чиқаришининг бир нечта босқичи мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар: шахснинг ўз ўзини англаши, ўз ўзини рўёбга чиқариш ва ўздан ўзи ўзиш (ўз-ўзини енгил).

Ҳозирги даврда «идентиклик» тушунчасининг ягона универсал таърифи йўқ. Турли фан вакиллари ўз тадқиқотлари йўналишидан келиб чиқиб, бу тушунчага таъриф бермоқдалар, лекин бу таърифлар ўзининг тўлақонли илмий асосига эга эмас. Умумийлашган шаклдаги таъриф эса ҳозирча мавжуд эмас.

«Идентиклик» тушунчасига Ш.Мадаева қуйидагича таъриф беради: «Идентиклик – миллий, этник, касбий, ҳудудий, диний-конфессионал, гендер ва бошқа турларга бўлиниб, ушбу турлар ўз қамровидаги инсонларни иқтисодий, сиёсий, маиший, маънавий, маданий, ментал жиҳатдан ҳаёт тарзида маълум стереотиплар ҳосил қилиши, фикрлаш, хулқ-атвор, психологик ҳолатлар ўхшашлиги натижасида ижтимоий гуруҳ ёки қатламларни яратиш билан характерлидир» [6, - Б.39].

Фикримизча, идентиклик деганда, шахснинг ўз ўзини англаши, ўз имкониятларини намоён этиши, ўз-ўзини муайян ҳодиса, аниқлик мезони сифатида ҳис қилишига айтилади. Бунда инсон ўзини жамиятдаги кўпгина образлар ичидан алоҳида танлаб олиб, ўз ўзини тушунишга, ўз ўзини топишга, ўз ўзини англашга ҳаракат қилади.

Идентиклик атроф оламнинг инъикоси, ташқи объектларга тақлид сифатида ҳам намоён бўлади. Бундай акс этиш жараёни тобора фаоллашиб тобора юқори даражага кўтарилиб бораверади. Идентиклик инсон томонидан рационал анланган мураккаб жараён

бўлиб, у орқали реал оламга мослашув ва мувофиқлашув ҳолати юз беради. Бундай идентиклик турли маросимлар (диний маросим, урф-одатлар)да, бир хил хатти-ҳаракатларнинг такрорланиши, танлаш имкони бўлмаган, янгилик киритилмайдиган ҳодисаларда яққол намоён бўлади. Бунда инсон ташқаридан қараганда бошқача эмас, айнан қандай бўлса шундай кўринишга ҳаракат қилади. Бу ҳолатда унинг ўзгача кўринишга уриниши бегона, мантиқсизлик, антагонистик жараён сифатида баҳоланади.

XIX-XX асрлар бўсағасида тарихчиларнинг сиёсий фаолияти даври XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий кўтарилиш даврига тўғри келади. Тарихчилар у ёки бу маънода сиёсий фаолиятда иштирок этишган, аммо уларнинг сиёсатга муносабатлари бир хил бўлмаган. Т.Бон қайд этиши бўйича, “XIX аср охиридаги халқ таълими тармоғидаги давлат катагонлари билан, шунингдек, “позитивист социал файласуфлари ғоялари”нинг оммалашуви билан боғлиқ” [7, – С. 31-32]. Тадқиқотчи фикрига умуман қўшилган ҳолда, қайд этиш лозимки, сиёсий воқеликни турлича баҳолаш, шунингдек, сиёсий фаолиятда иштирок этишга интилиш ёки, аксинча, сиёсий фаолиятдаги иштирокни чеклаш кўпроқ тарихчиларнинг шахсий сифатларини ифодалайди ва бутун бир авлоднинг хусусиятларини акс эттира олмайди.

Э. Гидденс авлодлар масаласида жамиятдаги стереотипларни ҳам кўриб чиқади. Унда куйидагича сўз боради: “Ёшлик, ғайрат ва жисмоиний жозибани кадрлайдиган жамиятда қариялар ҳеч кимнинг кўзига айланмайдиган одамга айланиб қоладилар. Бироқ сўнгги йилларда уларга нисбатан баъзи ўзгаришлар сезила бошланди. Кекса одамларнинг анъанавий жамиятдаги каби обрў ва ҳурматга эга бўлишига ишониш қийин, бироқ уларнинг аҳоли тузилмасидаги улуши ортиб боган сари уларнинг сиёсий таъсири ортиб бормоқда. Шундай гуруҳлар пайдо бўлмоқдаки, уларнинг мақсади – эйжизм билан кураш, кексалик ва кексаларга ижобий муносабат ўрнатишдан иборат бўлиб қолмоқда. Кекса ёшдаги одамларга нисбатан бошқа хурофот объектларига қараганда кам бўлмаган сохта стереотиплар мавжуд” [8, – Б. 693].

Инсоннинг ижтимоий табиати унинг социумга (жамиятга) интилиши ва бир пайтнинг ўзида индивидуал шахс сифатида социумдан ажралишга интилишини назарда тутаяди.

Социомаданий идентиклик - ўзининг турли социомаданий хусусиятларга эга бўлган турли ижтимоий бирликларга тегишли эканлигини англаш, ҳис этишдир. Буларнинг қаторига кичик гуруҳ, синф, ҳудудий бирлик, этномиллий гуруҳ, халқ, ижтимоий ҳаракат, давлат, бутунча инсоният киради. Бунда инсон ўзини ўзига хос маданий субъект – агент, яъни ижтимоий маданий муносабатларнинг ташувчиси сифатида идрок этади, ҳис этади, баҳолайди.

Инсон бир пайтнинг ўзида ўзини бир неча социомаданий бирликлар, гуруҳлар билан идентиклаши мумкин. Социомаданий идентикликнинг индивидуал жиҳатлари озми-кўпми чегараланган тизимга эга бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятларини социомаданий идентикликнинг иерархик тартибга солинганлиги, яъни ўзининг айрим гуруҳ ва бирликларга, улар билан яқинлик нуктаи назаридан тегишли, деб ҳисоблаш ташкил этади. Устун бўлган социомаданий идентиклик, одатда, шахснинг ўзини ижобий баҳолаши ёки муваффақиятли ижтимоийлашуви билан боғлиқ культурологик номинацияларни акс эттиради. У ёки бу идентикликнинг структурадаги ўрни социомаданий контекстнинг ўзгариши таъсирида алмашинуви мумкин. Социомаданий идентикликлаш жараёнини мураккаб кўпқиррали асос сифатида талқин этиш керак ва унинг замирида социомаданий макон кадриятлари туради. Шунинг учун социомаданий идентикликга турли томондан ёндашиш мумкин [9, - Б. 7].

Ҳозирги даврдаги ўзгариб бораётган Ўзбекистон шароитида шахснинг социомаданий идентиклиги ўзининг маънодорлиги, зиддияти ва энг муҳими, тугалланмаганлиги билан изоҳланади. Ижтимоий ҳаётнинг тезкор ўзгариб бораётганлиги ва маданий-тарихий маконнинг серқирралиги шароитида шахснинг социомаданий идентиклиги ўзгаришларга учрамоқда.

Тадқиқот натижаларини умумлаштириб, қайд этиш керак бўладики, ҳозирги замонда Ўзбекистонда шахснинг социомаданий идентиклиги жараёни жиддий ўзгаришга учрамоқда ва ўтмиш ҳамда бугунги кун тажрибаси асосида шаклланмоқда.

Ҳозирги кунда идентификацион афзалликларнинг таркиби ва иерархияси бугунги кундаги социомаданий реалликдаги ўз ўрнини аниқлаш учун энг хос бўлган белгиларнинг иерархиясини акс эттиради (қаранг: 1-жадвал).

1-жадвал

Ижтимоий идентикликлар иерархияси

Идентиклик белгиси	Идентиклик объектлари	%
Оилавий-ролли	Оила, дўстлар, яқинлар	92
Авлодий	тенгдошлар	88
Миллий белгисига кўра	Менинг миллатимга мансуб одамлар	85
Худудий-манзилли белгиси бўйича	Юртдош (ҳамшаҳар, ҳамқишлоқ)	83
Стратификацион-статусли	Топиш-тутиши менга тенг одамлар	81
	Касбдошлар	79
	шериклар	81
Интилган кадриятлари белгисига кўра	Ҳамфикрлар	79
	Оптимистлар	69
Давлат-фуқаролигига кўра	Ўзбекистонликлар	71
Мулкка эгалик ҳолатига кўра	Муҳтожлар	68
Хатти-ҳаракат стратегиялари белгисига кўра	Интерналлар	61
	Экстерналлар	58
	Комформистлар	60

Агар биз шахснинг кадриятларга таянган меъёрлари ва тасаввурлари муайян ижтимоий гуруҳнинг меъёр ва кадриятлари билан тенглаштириш ҳақида гапирадиган бўлсак, унда социомаданий идентикликни шахс томонидан муайян ижтимоий гуруҳнинг маданий кадриятларига онгли равишда қўшилиши жараёни сифатида талқин этиш мумкин.

Инсоннинг муайян социомаданий тизимга тегишлиги ҳақида гап борадиган бўлса, унда социомаданий идентиклик ўзининг бирон-бир бирлик (жамоа) га тегишли эканлигини эмоционал-баҳоловчи англашнинг шаклланиш жараёнидир.

Мазкур жараённинг барча қирраларини бирлаштирадиган бўлсак, унда социомаданий идентиклик деганда шахс томонидан энг муҳим ва нуфузли бирлашмалар деб ҳисобланадиган муайян ижтимоий гуруҳларнинг меъёр ва кадриятлари билан шу шахс кадриятлари ва тасаввурларининг уйғунлашуви жараёни тушунилади. Бу жараёнда шахс мазкур гуруҳнинг ижтимоий кадрланадиган аъзоси эканлигини англайди.

Ижтимоий идентиклик тузилиши Ш. Струкеранинг фикрича, ўзининг асосий белгилари ва айна пайтда асосий ўзига хос хусусиятлари сифатида қабул қилинадиган хусусиятлардан иборат [9].

Ижтимоий идентиклик назарияларида ўз-ўзини англашнинг бир қисми сифатида ижтимоий идентиклик тузилиши ўз-ўзини англашнинг бешта асосий таркибий қисми: этник идентиклик, академик қобилият, спорт, машҳурлик, тана қиёфаси.

Т.Г.Стефаненко ва Н.Л.Ивановаларнинг [10, - С. 52-60] томонидан шахснинг куйидаги таркибий қисмларини кўриб чиқамиз:

1. Идентификациянинг когнитив компоненти ўз-ўзини ўзи ҳақидаги билимларни, ўзининг ва ўз гуруҳининг хусусиятлари ҳақидаги ғояларни, ўзига хос фарқловчи хусусиятлар асосида ўзини унинг аъзоси сифатида англашини ўз ичига олади. Ушбу компонент доирасида ўзини ўзи тавсифлаш, ўзини ўзи идентификациялаш, авто- ва гетеростереотипларнинг мазмунини кўриб чиқиш мумкин.

2. Аффектив компонентда кўпроқ ёки камроқ ифодаланган гуруҳга мансублик ҳисси киради; гуруҳ ичидаги фаворитизмнинг жиддийлиги;

оқилона эмас, балки ҳиссий ўзини ўзи ҳурмат қилиш, ўз сифатларини ва ўз гуруҳини ўз-ўзини идрок этиш.

3. Қадриятли-мотивацион компонент. Қадриятли йўналганлиги биринчи навбатда шахсий режанинг тоифаси бўлиб, шахснинг ижтимоий соҳадаги хулқ-атворларини белгилайди. Улар шахснинг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг ҳаётида ташкилий, раҳбарлик ва бошқарувчилик ролини ўйнайди.

4. Хулқ-атвор компоненти ўзига хос хулқ-атвор кўринишларида субъект. Юқоридаги фикрлардан кўринадики, шахсда ижтимоий идентификациянинг шаклланиши уларда ўзига нисбатан талаблар даражасини ортиши ҳамда ҳаёт ҳақидаги режаларнинг мазмунини ўзида акс эттиради. Шунингдек, шахсда идентификациянинг таркибий тузилмалари когнитив, аффектив, хулқ-атвор ва қадриятли-мотивацион соҳанинг ривожланганлиги билан тақозоланади.

Шу ўринда тадқиқотчи Ш.Мадаева ўзининг “Идентиклик антропологияси” китобида “Албатта, ҳаммамизга аёнки, жамият тафаккурини бутунлай янгилаш бир-икки йиллик иш эмас, узоқ ва узлуксиз давом этадиган жараён. Қолаверса, бу йўлда тинимсиз изланиш ва меҳнат қилиш, ҳали-бери учраб турган эскича фикрлаш асоратларини енгиб ўтиш осон эмаслигини ҳам яхши тушунамиз”, -деб таъкидланган фикр бугун янги даврда – эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак, деган савол устида ўйлашимиз, нафақат ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан жавоб беришимиз лозим”-деган фикрлар билан янги даражада айтиляпти. Бу эса ХХІ асрга дунё халқлари қаторида ўз ютуқлари ва маънавий бойликлари, “таракқиётнинг ўзбек модели” билан кириб келган мумтоз халқимизнинг тафаккуридаги чексиз салоҳият маданий идентиклик ҳодисасининг ўзига хос янги қирраларини оширишга катта умид боғлайди деб ёзади [11, - Б. 67].

Биз социомаданий идентикликнинг уч шаклини ажратдик.

➤ Биринчиси – ўзини реал ёки ҳаёлий қадриятлар билан бевосита руҳий-ҳиссий уйғунлаштириш;

➤ иккинчиси – ўз қадриятларини номинал ижтимоий гуруҳнинг (ёш бўйича, миллий ва ҳ.к.) муайян қадриятлари билан боғлаш бўлиб, бу шахсга муҳим хатти-ҳаракат стереотипларини, асосий маданий ролларнинг талабларини ўзлаштиришга имкон беради;

➤ учинчиси – ўзини реал социомаданий гуруҳ, жамоа, кичик гуруҳга мансублигини ҳис этган ҳолда, мазкур гуруҳ иблан уйғунлаштириш.

Социомаданий идентиклик объектларини биз бир неча мезон асосида таснифладик:

- бирламчи (оила, яқин дўстлар) ва кўп турдаги иккиламчи гуруҳлар;
- бевосита, муносабатли мулоқот гуруҳлари (иш ёки ўқишдаги дўстлар-ҳамкасабалар) ва рамзий жамоалар (“менинг авлодим” ёки сиёсий ҳамфикрлар);
- архаик, анъанавий жамоалар ва гуруҳлар, масалан, этномиллий жамоалар ва ҳ.к. [9, – Б. 7].

Замонавий одамнинг кўпмаданиятли жамиятда яшаши ҳақидаги фикрдан келиб чиқиб, уни воситачи-одам, мультимаданият одами сифатида қараш керак. Бундай социомаданий вазият шахсга ўзида дунёни идрок этишнинг турли ракурсларини табиий равишда мужассам этиш ва бошқа маданиятлардаги қадриятларга зиён етказмай турли маданиятларнинг бойликларини эгаллаш имкониятини беради.

Шу билан бирга, ижтимоий беқарорлик шароитида мавжуд ижтимоий тизим бузилади, бу эса, ўз навбатида, барқарор ижтимоий идентикликнинг йўқотилишига олиб келади. Атроф дунёнинг бир бутунлиги ва тартиботини тиклаш имконини бериши, нотурғун ижтимоий ҳаётдаги қийинчиликлардан асрай олиши мумкин бўлиб туюлган озми-кўпми барқарор ижтимоий гуруҳ ва бирлашмаларни излаш бошланади. Беқарорлик даврларида авлодлараро бирликлар – оила ва этнос ана шундай гуруҳларга айланади.

Мазкур фаслда келтирилган социомаданий идентиклик тушунчасининг моҳияти ва мазмунини таҳлил қилиш мантиғи мазкур тушунчани энг аҳамиятли, идентикликнинг у ёки бу кўринишини ташкил этувчи маданий қадрият ва меъёрларни таснифлаш орқали структуравий операциялаштириш имкониятини беради.

Ўткир ижтимоий зиддият ва беқарорлик даврида “социомаданий идентиклик” тушунчасининг мазмунини ташкил этувчи энг аҳамиятли турлари қаторига авлодлараро идентикликни киритиш мумкинки, у инсон учун ижтимоий-психологик ва руҳий таянч ва ҳаёт-фаолияти учун зарур ориентирларнинг шаклланиши учун асос вазифасини ўтайди.

Бу – авваломбор, оилавий қадриятлар билан боғлиқ қоида ва меъёрлардир, чунки оила – энг мустаҳкам бирлик бўлиб, шахс туғилган заҳоти унинг аъзосига айланади. Сўнг этник қадриятлар бўлиб, этнос ўтиш давридаги жамият шароитида психологик қувват берадиган гуруҳ вазифасини ўтайди. Кейингиси – фуқаролик қадриятлари, зеро, этнога тегишлигини англай бошлаган одам ўзининг фуқаролигини ҳис эта бошлайди. Яна бири авлодлар гуруҳи бўлиб, бу ҳам ижтимоий тизим ўзгараётган даврда инсон суяниши мумкин бўлган яна бир барқарор бирликдир. Стратификатив-статусли қадриятлар – булар ота-она, оила, этнос, яшаш мамлакати каби фактлар ўртасидаги мантиқий алоқани сақлайди. Ниҳоят, сиёсий кўрсатмалар, булар мамлакат тақдирига дахлдорлик (дахлдорсизлик)ни ҳиссий англаш натижасидир.

“Ўтиш” жамиятида асосий идентиклик умумсинфий меъзонга айланмаганлигини табиий, деб айтиш мумкин. Бундай силжишни ўз бошидан ўтказган авлодларга мансуб одамлар муайян вазиятидан келиб чиқиб ёки ўз ижтимоий статуси ҳақидаги эски тасаввурларини тиклаши ёки янги социомаданий идентикликни ишлаб чиқиши ёки бу икки йўналиш ўртасида тараддудда туриши мумкин.

Постсоциалистик даврда мустақил ҳаётга қадам қўйган одамлар бундай иккиланашлардан холи бўлади, улар янги ижтимоий реалаяларда ўз идентиклигини яхши билишади. Бироқ бу барча реалаялар бетартиб, беқарор, бўш тузилмалар дунё сифатида намоён бўлади. Унда инсоннинг ижтимоий позициясини белгилайдиган турғун, аниқ ҳис этиладиган омиллар бўлмайди.

Бинобарин, ҳатто шундай вазиятда ҳам одамлар ўз барқарорлигини сақлашади ва социомаданий функцияларини муваффақиятли бажариши мумкин. Кўпчилик одамлар учун авлодий идентиклик социомаданий Идентикланиш учун ишончли когнитив ориентир вазифасини ўтайди.

Ҳозирги замон жамияти, бир томондан, инқирозий ҳолатлар билан (иқтисодий инқироз, эски сиёсий тизимларнинг бузилиши, кучайиб бораётган ижтимоий табақаланиш, кўп йиллар мобайнида шаклланган тасаввур, категория, стереотип ва меъёрларнинг бузилиши), иккинчи томондан, унда модернизация белгилари (ижтимоий муносабатлар доирасининг кенгайиши, ахборот оқимининг ўсиши, маданий ранг-баранглик) ҳам мавжудлиги билан изоҳланади. Буларнинг барчаси ўзгариб бораётган жамият воқелигини ташкил этади ва одамлар унда ўзгаришларга мослашишга, чақириқларга жавоб беришга, ўзгариб бораётган дунёда ўз ўрнини топишга ёки объектив равишда муайян давлат фуқароси сифатидаги ўз идентиклигини йўқотишга ва ҳ.к.га мажбур. Бу гап авлодларга ҳам алоқадор.

Ислохотлар даври жамиятида социомаданий идентиклик шаклланишининг ижтимоий сабаблари – шахс ва давлат манфаатларининг бирлиги ҳақидаги аввалги тасаввурларнинг бузилиши, ижтимоий институтлаштиришнинг йўқлиги туфайли турлитуман ижтимоий қатлам, этномиллий, этномаданий, стратификацион-статусли, фуқаролик, авлодий, касбий манфаатларнинг ажралганлигини англаш. Мазкур жараёнда на умумқабул қилинган қадриятлар тизими ва на шахс мавқеси, ҳеч нарса ҳакам бўла олмайди.

Жамият ижтимоий таркибининг беқарорлиги, ижтимоий жараёнларнинг, ижтимоий гуруҳлар динамикасининг мураккаблашуви, ижтимоий мулоқотнинг аввалги аниқ белгиланган чегараларининг бузилиши, жамият ҳаётининг турли жабҳаларида оилавий, этник ва фуқаролик омиллари ролининг кучайиши, нотекис ривожланиш жараёнларини текислаш учун ресурсларнинг йўқлиги – ана шу объектив омиллар қачонлардир муваффақият билан фаолият олиб борган тизимга, шахсга ҳам, жамиятга ҳам қарама-қарши қўйилди.

Ҳозирги замон Ўзбекистон жамиятини ҳар томонлама, тизимли таҳлили социомаданий идентификацион жараёнларнинг энг муҳим хусусиятларини аниқлаш ва

тавсифлаш имкониятини берди. Улардан биринчи ўринга фуқаролик идентикликдаги мазмуний ўзгаришларни; шахснинг кундалик яқин социал доира (оила, яқинлар, ўз тенгдошлари, иш-хизматдаги дўстлар) билан идентиклашиш ролининг кучайганини; фуқароларнинг маданий компетентлигининг шаклланишидаги этномиллий аспектнинг ўсганини; этник идентикликдаги шахс ролининг кучайганини (масалан, “мен ўзбекман, чунки ўзимни шундай ҳис этаман”); Идентикликнинг миллий-давлатчилик доирасининг торайишини (“совет” ўрнини “Ўзбекистонлик” билан алмашилиши); жамият томонидан маъқулланадиган норасмий ва таъминланган ҳаёт (турмуш) қадриятларининг ошганлигини; сиёсат билан боғлиқ йирик ижтимоий бирликлар билан бирдамликнинг бўшашишни қўйиш мумкин [12].

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги даврдаги ўзгариб бораётган Ўзбекистон шароитида шахснинг социомаданий идентикликсиз ўзининг маънадорлиги, зиддиятлиги ва энг муҳими, тугалланмаганлиги билан изоҳланади. Ижтимоий ҳаётнинг тезкор ўзгариб бораётганлиги ва маданий-тарихий маконнинг серқирралиги шароитида шахснинг социомаданий идентикликси ўзгаришларга учрамоқда.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Левада Ю.А. Поколения XX века: возможности исследования // Отцы и дети: Поколенческий анализ современной России / Сост. Ю. Левада, Т. Шанин. – М., 2005.; Тургенев И.С. Отцы и дети Поколение в социокультурном контексте XX века... – М.:Наука, 2005. 631 с.;
2. Мангейм К. Проблема поколений // Новое литературное обозрение. 1998. – № 2 (30). – С.13.
3. Ўша ерда. – С.33-34.
4. Мангейм К. Идеология и утопия. – М.: ИННОН, 1976. – С.92.
5. Малахов В. С. Идентичность // Новая философская энциклопедия: в 4 т. - М., 2001. Т. 2. - С. 78.
6. Мадаева Ш.О. Идентиклик антропологияси. – Тошкент: Noshir, 2015. –Б. 39.
7. Отцы и дети: Поколенческий анализ современной России. – М.: Новое литературное обозрение, 2005. – С. 31-32.
8. Гидденс Энтони. Социология: Олий ўқув юртлари учун / Таржима Н. Маматов ва Ж.Бегматов. – Т. : Шарқ, 2002. – 693 б.
9. С.Каланова. Жамиятда авлодлар алмашинуви жараёнларининг социологик таҳлили. – Т.: Fan va technologya, 2018, 248 бет. – Б. 7.
10. Иванова Н.Л. Структура социальной идентичности личности: проблема анализа // Психологический журнал. 2004. Т.25. J421. – С. 52-60.
11. Мадаева Ш. Идентиклик антропологияси. – Тошкент: Ношир нашриёти, 2015. – 41б.
12. Алимухамедова Н., Сабирова У. Миллий идентикликнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари // Журнал социальных исследований. – 2022. – №. SI-2.

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

6 ЖИЛД, 1 СОН

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 6, НОМЕР 1

JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

VOLUME 6, ISSUE 1

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000